“ТАСДИҚЛАЙМАН”
Харид комиссияси раиси

_____ А.А.Халилов
«__» _____ 2022 й.

““SQB Insurance” суғурта компанияси” акциядорлик жамиятининг 2022 йил фаолияти натижалари бўйича молиявий ҳисоботларни халқаро стандартларга мувофиқ (МҲХС) ташқи аудит текширувидан ўтказиш юзасидан энг яхши таклифларни танлаш бўйича

ХАРИД ХУЖЖАТЛАРИ

Тошкент - 2022

““SQB Insurance” суғурта компанияси” акциядорлик жамиятининг (кейинги ўринларда- Жамият) 2022 йил фаолияти натижалари бўйича молиявий ҳисоботларни халқаро стандартларга мувофиқ (МҲХС) ташқи аудит текширувидан ўтказиш бўйича хизматлар хариди бўйича энг яхши таклифларни танлашни (кейинги ўринларда — танлов) эълон қилади.

Буюртмачи: ““SQB Insurance” суғурта компанияси” акциядорлик жамияти.

Буюртмачи манзили: 100000, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Мустақиллик шох кўчаси, 5 уй.

Боғланиш учун масъул шахс: Бош ҳисобчи Есенкулова Камила Куттибаевна

Маълумот учун телефон: (+998 71) 205-55-05 E-mail; info@sqbinsurance.uz

Танлов Жамиятнинг харид комиссияси томонидан амалга оширилади.

Хариднинг бошланғич нархи: Сотиб олишнинг умумий қиймати барча солиқлар ҳисобга олинган ҳолда 45 000 000 сўмдан ошмаслиги керак.

Молиялаштириш манбаи: Жамиятнинг ўз маблағлари ҳисобидан.

Ушбу харид ҳужжатлари https://etender.uzex.uz махсус ахборот порталига жойлаштирилган.

Танловда Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ қуйидаги талаб ва шартларга жавоб берадиган аудиторлик ташкилотлари, шу жумладан:

- халқаро аудиторлик ташкилотлари (компаниялари) тармоқларига аъзо бўлган;
- аудиторлик фаолияти бўйича камида 10 (ўн) йил фаолият кўрсатаётган аудиторлик ташкилоти бўлган;
- Халқаро молиявий ҳисобот бўйича (DipIFR) сертификатларига эга бўлган камида икки нафар аудитори мавжуд бўлган;
- аудиторлик ташкилотининг иши сифатини ташқи назоратдан ўтказиш натижаларига кўра, аудиторлик фаолияти тўғрисидаги қонунчиликнинг бузилиши ҳоллари мавжуд бўлмаган аудиторлик ташкилотлари иштирок этиши мумкин.

Қуйидаги иштирокчиларнинг танловда иштирок этишига йўл қўйилмайди:

- қайта ташкил этиш, тугатилиш босқичида бўлган ёки ўзига нисбатан банкротлик тартиб-таомиллари жорий этилган;
- суғурта компания билан суд ёки ҳакамлик муҳокамасида иши кўриб чиқилаётган;
- инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрида кайд этилган;
- солиқлар ва йиғимларни тўлаш бўйича муддати ўтган қарздорлиги мавжуд бўлган;
- манфаатлар тўқнашуви ва аффилланганлик ҳолатлари мавжуд бўлган.

Танлов иштирокчиси:

1) тақдим этилаётган ахборот ва ҳужжатларнинг ҳақиқийлиги ва тўғрилиги учун жавобгар бўлади;

2) фақат битта таклиф беришга ҳақли;

3) таклифларни бериш муддати тугагунга қадар берилган таклифни қайтариб олишга ёки унга ўзгартиришлар киритишга ҳақли.

Танловда иштирок этиш учун иштирокчилар Жамиятга қуйидагиларни тақдим этадилар:

- Танловда иштирок этиш учун аудиторлик ташкилотлари таъминот ҳужжатлари *(танлов иштирокчиси юридик шахс номидан ҳаракатларни амалга ошириш ваколатини тасдиқловчи ҳужжат (буйруқ ёки ишончнома нусхаси), техник таклифнинг (аудит режаси), аудиторлик сертификати ва аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги суғурталанганлиги тўғрисидаги суғурта полиси нусхаси);*

- Аудиторлик фирмасининг обрў-эътиборини ва аниқ ижрочилар тажрибасига таълуқли хужжатлар *(давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, аудиторлик ташкилотининг фаолияти тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилган маълумотларни, аудиторлик ташкилотининг йирик мижозлари рўйҳати ва тегишли иш тажрибаси);*

- Халқаро молиявий ҳисобот бўйича (DipIFR) сертификатларига эга бўлган камида икки нафар аудитори мавжудлигини тасдиқловчи хужжатлар *(аудиторларнинг амалдаги малака сертификатлари нусхалари, тасдиқловчи диплом (сертификат) нусхаси).*

- Ҳалқаро аудиторлик ташкилотлари (компаниялари) тармоқларига аъзолигини тасдиқловчи хужжат *(Гувохнома ёки тасдиқловчи маълумотнома (хат)).*

-иштирокчининг ҳохишига кўра, тақдим этиладиган бошқа маълумотлар.

Таклиф ва барча тегишли ёзишмалар, ҳужжатлар ўзбек ёки рус тилларида топширилиши мумкин.

Танловда иштирок этиш учун, Танлов иштирокчиси қуйидагиларни амалга ошириши лозим:

Танлов шартлари билан танишиш учун махсус ахборот порталида жойлаштирилган Танлов ҳужжатларининг электрон нусхасини олиш (кўчириш)

Танлов ҳужжатлари шартларига мувофиқ Танлов ҳужжатларини топшириш.

Иштирокчиларнинг таклифлари, таклифларни қабул қилиш муддати тугаган кундан бошлаб камида 90 (тўқсон) кун мобайнида ўз кучида қолиши лозим.

Тўлов шакли:Буюртмачи томонидан кўрсатилган хизматлар учун тўлов унинг ҳисоб рақамидан миллий валюта - сўмда, пул ўтказиш йўли билан нақд пулсиз кўринишда амалга оширилади. Тўлов шартлари шартнома лойиҳасида кўрсатилган.

Аудиторлик ташкилотларининг таклифларини кўриб чиқиш ва баҳолаш таклифлари бериш муддати тугаган санадан эътиборан 10 (ўн) иш куни ичида амалга оширилади.

Таклифларни баҳолаш вақтида Жамият харид комиссияси иштирокчилардан уларнинг таклифлари бўйича қўшимча тушунтириш беришларини сўраб мурожаат қилишга ҳакли.

Иштирокчилар кўрсатиладиган ҳизмат шартлари тўғрисида тўлиқ маьлумотни тақдим этишлари керак.

Муҳим шартлар: Ташқи аудиторлик ташкилотларини танлаш, уларга тўланадиган хақни белгилаш Жамият ягона иштирокчисининг мутлоқ ваколатига киришини инобатга олиб, аудиторлик ташкилотлари томонидан тақдим этилган тижорат таклифлари Танлов комиссияси томонидан ўрганиб чиқилади ва энг яхши тижорат таклифлари аниқланиб, ““SQB Insurance” суғурта компанияси” акциядорлик жамияти акциядорларининг навбатдаги Умумий йиғилишига чиқарилади.

Жамият иштирокчиларининг Умумий йиғилиши қарори билан ташқи аудитдан ўтказиш бўйича танлов ғолиби ва унга тўланадиган хақ миқдори аниқланади ҳамда амалдаги қонунчилик нормаларига мувофиқ шартнома тузилади.

ТЕХНИК ТОПШИРИҚ

1. Кўрсатиладиган ҳизматлар номи:

Жамиятнинг 2022 йил якуни бўйича фаолиятини аудиторлик текширувидан ўтказиш.

2. Ишларни бажариш ва хизматларни кўрсатиш жойи (манзил):

100090, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Ш.Рашидов шох кўчаси, 97 А уй (2-3 қават).

3. Аудит хизмат натижаларидан фойдаланиш мақсадлари:

Жамиятнинг бухгалтерия (молиявий) хисоботларининг ишончлилигини ва унинг молиявий ва хўжалик операцияларининг Ўзбекистон Республикасининг амалдаги меъёрий хужжатларга мувофиқлигини аниқлаш.

4. Хизмат шартлари:

2022 йил якуни бўйича Жамиятнинг молиявий ҳисоботини аудит текширувидан ўтказиш бўйича хизматлар аудиторлик фаолияти стандартлари талабларининг, шу жумладан аудиторлик хулосасини тайёрлаш ва тақдим этиш тартибига қўйиладиган талабларнинг, бухгалтерия (молиявий) ҳисоботларининг ишончлилиги тўғрисидаги фикрни шакллантириш, ҳисоботни тайёрлаш, шунингдек, Буюртмачига бухгалтерия ҳисобини юритиш, солиққа тортиш ва молиявий ҳисоботларни тузиш тартиби бўйича маслахатлар беришни, аниқланган камчиликлар ва қоидабузарликларни бартараф этиш бўйича тавсиялар беришни, шунингдек томонлар ўртасида келишилган муддатда Шартнома предмети доирасида Буюртмачига эксперт хулосаларини тақдим этишни кўзда тутиши лозим.

5. Хизматлар кўрсатишга қўйиладиган умумий талаблар

5.1. Аудит Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига, шу жумладан, Ўзбекистон Республикасининг “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги қонунига, аудиторлик фаолиятининг амалдаги стандартларига мувофиқ амалга оширилади.

5.2. Молиявий ҳисоботнинг ташқи аудитини ўтказишдан мақсад, ҳисобот санаси ҳолатига Жамиятнинг молиявий-хўжалик фаолияти натижалари ва пул маблағлари ҳаракатининг молиявий ҳолат тўғрисидаги бухгалтерия ҳисоботида бухгалтерия ҳисоботини тузиш бўйича белгиланган тартибга мувофиқ акс эттирилишининг ишончлилиги тўғрисида аудиторнинг фикрини шакиллантириш ҳамда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган тартибни бузган ҳолда амалга оширилган, бухгалтерия (молиявий) ҳисоботи кўрсаткичларининг бузилишига олиб келган хўжалик операцияларини аниқлашдан иборат.

6. Бир ёки иккита аудиторлик ташкилотини танлаш ёндашуви

Нарх таклифи муҳим, аммо ягона мезон эмас. Аудиторлар фирманинг обрў-эътиборини ва аниқ ижрочилар тажрибасини, тегишли соҳавий тажрибаси ва стандартларга мувофиқ экспертиза қилиш, самарали аудит жараёнини ташкиллаштириш қобилиятини намойиш эта олишлари керак.

№	Талаб номи	Қиймат тури	Қиймат	Зарурий-лиги	Баҳолаш мезони	Файлнинг номи (Бириктириш шарт)	Макс. балл	Мин. балл	Солиш-тирма оғирлик
1	Танловда иштирок этиш учун аудиторлик ташкилотлари таъминот ҳужжатлари	матнли	матнли	Афзалроқ	Эксперт	Тавсиялар (Зарур)	20	0	20
2.	Аудиторлик фирмасининг обрў-эътиборини ва аниқ ижрочилар тажрибасига таълуқли хужжатлар	матнли	матнли	Афзалроқ	Эксперт	Тавсиялар (Зарур)	25	0	25
3	Халқаро молиявий ҳисобот бўйича (DipIFR) сертификатларига эга бўлган камида икки нафар аудитори мавжудлигини тасдиқловчи хужжатлар	матнли	матнли	Афзалроқ	Эксперт	Аудиторлик сертификат-лари (Зарур)	30	0	30
4	Ҳалқаро аудиторлик ташкилотлари (компаниялари) тармоқларига аъзолигини тасдиқловчи хужжат	матнли	матнли	Афзалроқ	Эксперт	Танлов хужжатлари рўйхатига кўра (Зарур)	25	0	25

7. Ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатиш шартлари (муддатлари)

Аудиторлик текшируви 2 босқичда амалга оширилади:

1 -босқич: 9 ой якунлари бўйича оралиқ аудит текширув;

2-босқич: йил якуни бўйича якуний аудит текшируви.

Босқичлар бўйича ҳақ тўлаш тартиби, муддатлари ва қабул қилиш шартлари тузиладиган Шартномада алоҳида акс эттирилади.

8. Иш ва хизматлар ҳамда уларнинг натижалари хавфсизлигига қўйиладиган талаблар

Барча ишлар халқаро шартномалар ва Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари талабларида кўзда тутилган иш ва хизматлар хамда уларнинг натижалари хавфсизлигига доир талабларга мувофиқ ҳолда амалга оширилиши лозим.

9. Якуний ишлар ва хизматлар натижаларини топшириш ва қабул қилиш тартиби

Аудиторлик текшируви натижасида Аудитор молиявий ҳисоботнинг барча муҳим ҳужжатлари бўйича тақдим этилишининг ишончлилиги тўғрисида аудиторлик хулосаси шаклида ифодаланган фикрни тақдим этади.

Аудиторлик хулосаси рақамланган, хар бир саҳифаси аудиторлик текширувини амалга оширган аудитор (аудиторлар) ва аудиторлик ташкилотининг раҳбари томонидан имзоланган ҳамда унга аудиторлик ташкилотининг фикри қайси молиявий ҳисоботга нисбатан ифодаланган бўлса, ўша молиявий ҳисобот илова қилинган бўлиши керак.

Аудиторлик хулосасининг шакли ва мазмуни аудиторлик фаолияти стандартлари билан белгиланди.

Бундан ташқари, аудитор аудит стандартлари талабларига мувофиқ Ҳисоботни текшириш натижалари бўйича Буюртмачи раҳбариятига қуйидагиларни ўз ичига олган ҳисоботни тайёрлайди:

- аудит ўтказишнинг режалаштирилган ҳажми ва муддатлари, муҳим рисклар тўғрисида қискача маълумот;
- ташкилотнинг бухгалтерия ҳисоби амалиётининг муҳим сифат жиҳатлари, бухгалтерия ҳисоби баҳолари ва ҳисоботдаги маълумотларни ошкор этиш хақида ахборот ва фикрлари;
- аудит ўтказиш вақтида юзага келган жиддий қийинчиликлар тўғрисидаги маълумотлар;
- аудиторлик хулосасининг шакли ва мазмунига таъсир этувчи ҳолатлар тавсифи;
- Аудиторнинг профессионал фикрига кўра, ҳисобот тайёрлаш жараёнини назорат қилиш учун аҳамиятга эга бўлган, аудит ўтказиш вақтида юзага келган бошқа муҳим масалалар.

Аудиторлик ҳисоботи ва аудиторлик хулосаси амалдаги аудиторлик фаолияти стандартларига мувофиқ тузилади.

Аудитор ёзма ҳисоботда баланс кўрсаткичлари ҳамда фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисоботда белгиланган жиддийлик даражасидан ошиб кетадиган барча аниқланган тафовутларни (агар мавжуд бўлса) акс эттирилиши шарт.

Аудиторлик хулосаси ўзбек ёки рус тилларида тақдим этилиши мумкин. Барча ҳужжатлар ҳар бир тилда камида бир нусхада топширилиши керак.

Аудиторлик хулосаси ва ҳисоботи Жамиятнинг бош ҳисобчисига тақдим этилиши керак.

10. Ишлар ва хизматлар натижаларини топшириш ва қабул қилиш тартиби:

Якуний иш бажарилгандан сўнг аудиторлик ташкилоти куйидагиларни тақдим этади:

- аудиторлик ҳисоботи;
- аудиторлик хулосаси;
- счёт-фактура ва бажарилган ишлар далолатномаси.

11. Буюртмачи ходимларини бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар юзасидан ижрочи томонидан техник ўқитиш бўйича талаблар:

Йўқ.

12. Ишлар ва хизматларнинг сифати кафолатлари ҳажми бўйича талаблар:

Аудиторлик ташкилоти Буюртмачининг молиявий ҳисоботи ва бошқа молиявий маьлумотлари тўғрисида нотўғри хулосани ўз ичига олган аудиторлик хулосасини тузиш натижасида уларга зарар етказганлик учун Буюртмачи ва молиявий ҳисоботнинг бошқа фойдаланувчилари олдида жавобгар бўлади,

Аудит натижалари тўлиқ ҳажмда аудит стандартлари ва Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги нормалари бўйича аудит ўтказишга қўйиладиган талабларга, шунингдек, техник топшириқда кўрсатилган аудит ҳажми ва сифатига қўйиладиган талабларга мос келиши керак.

Аудит текширувини ўтказиш натижалари аудиторлик фаолиятига қўйиладиган талабларга, аудит стандартларига ва Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари нормаларига, шунингдек техник топшириқда кўрсатилган аудит ҳажми ва сифатига кўйиладиган талабларга мувофиқ тўлиқ ҳажмга бўлиши керак.

Аудиторлик ҳисоботи ва хулосасининг шакли ва мазмуни амалдаги аудиторлик фаолияти стандартлари билан белгиланади.

13. Ишлар ва хизматлар натижаларида сифат кафолатларини кўрсатиш тўғрисидаги талаблар

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ.

Аудитор Буюртмачининг молиявий ҳисоботи ва бошқа молиявий маълумотлари тўғрисида нотўғри хулосани ўз ичига олган аудиторлик хулосасини тузиш натижасида унга етказилган зарар учун Буюртмачи олдида жавобгар бўлади. Сифатсиз ёки нотўғри текшириш натижасида мижозга етказилган зарар, шу жумладан йўқотилган фойда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қопланиши керак.

14. Ташкилот реквизитлари

№	Ташкилот номи	««SQB Insurance» суғурта компанияси» акциядорлик жамияти
1	Ташкилотнинг юридик манзили	100000, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Мустақиллик шох кучаси, 5 уй.
2	Ташкилотнинг почта манзили	100090, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Шароф Рашидов шох кўчаси, 97 А уй.
3	Бош директор	Халилов А.А.
4	Бош ҳисобчи	Есенкулова К.К.
5	Телефон рақами	(+99871) 202 55 05

6	Электрон почта манзили	info@sqbinsurance.uz
7	СТИР	305880294
8	Банк коди	00424
9	Ҳисоб рақами	20216000400959339001
10	Банк	“Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ Тошкент шаҳар Минтақавий филиали

15. Ташкилот ҳақида асосий маьлумотлар Умумий маьлумот

№	Ташкилий хуқуқий шакли	Акциядорлик жамияти	
1	Фаолият даври	Давлат рўйхатидан ўтган сана	2018 йил 29 ноябр
2	Жорий фаолият хусусиятлари	Хусусийлаштириш қайта ташкил этиш, тугатиш, банкротлик ва бошқа ҳолатида эмас	фаолият кўрсатмоқда
3	Филиаллар (таркибий бўлинмалар) нинг мавжудлиги	сони, дона	14
4	Бухгалтерия ҳисоби тизимининг умумий холати	Яхши Ўртача Қониқарсиз	Яхши
5	Асосий фаолият турлари	Рўйхатини келтиринг	Ихтиёрий ва мажбурий суғурта хизматлари
6	Бухгалтерия ҳисоби шакли	Автоматлаштирилган тизим (тўлиқ / қисман)	Автоматлаштирилган тизим 1С (тўлиқ)
7	Бухгалтерия ходимларининг умумий сони	Ходимлар сони	8
8	Ички назорат бўлимининг мавжудлиги	ха/йўқ	ха